

ЎЗБЕКISTON BUNYODKORI



UZBUNYODKOR



t.me/uzbunyodkor



uzbunyodkori@umail.uz

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

Газета 2016 йил 2 августдан haftaning сешанба ва жума кунлари чиқади.

Шу куннинг гаплари

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2021 йилнинг январь-апрель ойларида Ўзбекистонда жами **29,5 трлн** сўмлик қурилиш ишлари бажарилган. 2020 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 100,8 фоизни ташкил этди.

2021 йилнинг 1 май ҳолатига кўра, Ўзбекистонда қурилиш соҳасида фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар сони **42,8 минг** тани ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **4,9 минг** тага ошди.

Андижон туманида 2-сектор ҳудудидаги **5 та** маҳаллада ичимлик сув тармоғи янгиланди. Шунингдек, **4 та** маҳалланинг кўчаларида шағал ётқизиблиб, асфальтланди.

Қашқадарё вилояти аҳолисини ичимлик сув билан таъминлашга **432,4 млрд** сўм маблағ ажратилдиган бўлди.

Инвестиция лойиҳасига кўра, Тошкент шаҳрида, япониялик ҳамкорлар иштирокида **неврология маркази** бунёд этилади.

Бухоронинг Пешку туманида "Обод қишлоқ" дастури доирасида **1,8 млрд** сўм маблағ ҳисобига 15-МТТ мукамал таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

АЛИШЕР НАВОЙ МАҚБАРАСИ ТАЪМИРЛАНАДИ ВА ОБОДОНЛАШТИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 31 май куни туризм, шаҳар инфратузилмаси, саноат соҳаларидаги лойиҳалар ҳамда Алишер Навоий мақбарасини таъмирлаш ва тиклаш борасида амалга ошириладиган ишлар тақдимоти билан танишди.

Лойиҳалардан бири Чирчиқ дарёси бўйида турли инфратузилма объектлари барпо этишга оид. Мазкур дарёнинг Тошкент шаҳридан ўтган қисми 16 километрни ташкил этади. Лойиҳага кўра, дарё ўзани қисқартирилиб, қирғоқлари ободонлаштирилади. Бунинг эвазига очиладиган майдонларда замонавий уй-жойлар, дам олиш масканлари, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш иншоотлари қурилиши режалаштирилган.

Яна бир лойиҳа Тошкент халқаро аэропортидан шаҳар марказига ўтишдаги кўприкни кенгайтиришга қаратилган. Ҳозирги йўл ўтказгич 1967 йилда қурилган. Пойтахтимиз ривожланиши ва транспортлар сони ошиши билан уни реконструкция қилиш эҳтиёжи пайдо бўлди. Шу боис ушбу кўприкнинг Кичик ҳалқа йўли билан кесилган жойида айланма шаклидаги йўл ўтказгич қуриш режалаштирилган. Унинг узунлиги 650, эни 30 метр бўлиши мўлжалланган.

Бу муҳандислик ечими автотранспортларнинг кўприкка чиқиши ва тушишини осонлаштиради. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлайди. Бу ердаги қулайлик яқин атрофдаги кўчаларга ҳам таъсир қилиб, тирбандлик камайишида муҳим омил бўлади.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарига пойтахтимиздаги Технопаркда амалга оширилиши режалаштирилган инвестиция лойиҳалари тақдим қилинди.

Хусусан, ушбу ҳудудда йилга 1 миллион дона кир ювиш машинаси, 15 минг тонна мис қувур, 3000 дона саноат сув иситиш ускунаси, 75 минг дона савдо совутичлари ва музлатгичлари, 1 миллион квадрат метр НРЛ-панеллар ва полиизоцианурат қатламли сандвич-панеллар, 30 минг тонна базальт тошдан изоляция маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича қувватлар ташкил этиш режалаштирилган.

Жорий йил охиригача ишга тушириладиган лойиҳалар натижасида 2 мингдан зиёд иш ўрни яратилади.

Миллий боғ ҳудудида барпо этиладиган Magic City маданият ва истироҳат боғининг иккинчи босқичи доирасида амалга ошириладиган ишлар тўғрисида ҳам маълумот берилди.

Лойиҳа концепциясига мувофиқ, боғ ҳудудида сунъий кўл ташкил этилади ва унинг атрофида мамлакатимизнинг тарихий ва диққатга сазовор масканларига бағишланган тематик шаҳарча қурилади.

Президентимиз буюк шоир ва мутафаккир бобомиз Алишер Навоий мақбарасини таъмирлаш ва тиклаш, унинг атрофини ободонлаштириш лойиҳасига алоҳида эътибор қаратди.

Афғонистоннинг Ҳирот шаҳридаги Алишер Навоий мақбараси мажмуасида қурилиш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш имкониятларини ўрганиб чиқиш вазифаси Президентимизнинг 2020 йил 19 октябрдаги "Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қароридан белгиланган эди.

Ушбу топшириқ ижросини таъминлаш доирасида мамлакатимиз мутахассислари афғонистонлик ҳамкасблари билан биргаликда мақбарани

жойида ўрганиди. Ўрганишлар натижасида анъанавий меъморчилик, санъат ва безак элементларидан фойдаланган ҳолда мақбарани таъмирлаш ва тиклаш лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Бугун тақдим этилган лойиҳага кўра, мақбаранинг кириш ва қолган йўлакларига Ҳазрат Навоийнинг ҳикматли сўзлари битилган китоб кўришнишдаги белгилар қўйилади ҳамда декоратив ўтиргичлар ўрнатилди.

Кириш қисмида саккиз бурчакли масжид бунёд этилади. Кириш пештоғидан ҳовли қисмининг чап ва ўнг томонида ёпиқ услубда айвонлар барпо этилади. Мақбаранинг ташқи кўринишига безак берилди. Гумбаз, мақбара олди ва ён қисмлари майолика элементлари билан ишланади. Мажмуа ҳудуди кўкаламзорлаштирилади.

Давлатимиз раҳбари лойиҳалар билан танишиб, мутасаддиларга уларни сифатли амалга ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

Ў.А.

1 ИЮНЬ – ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

Райҳона ХЎЖАЕВА,
"O'zbekiston bunyodkori"
муҳбири.

Маликалар ҳақидаги мультфильмни томоша қилган қизалоқ ширин уйкуга кетди. Тушида ўзи ҳам маликага айланиб қолган эмиш. Эгнисидаги этаклари узун, турли тошлару мунчоқлар билан безалган либос ва бошидаги тож уни ҳақиқий маликага айлантдириб қўйганди. Узокдан чиройли шаҳарни кўрган қизалоқ ўша томонга ошиқди. Дарвозадан ичкарига киргач, ўзини худди эртақлардаги каби сехрли шаҳарга тушиб қолгандек ҳис қилди.

Атрофнинг гўзаллигига маҳлиё бўлган қизалоқ сехрли шаҳар бўйлаб саёҳатга тушди. Олдинда уни ғаройиб саёҳат кутмоқда.

– Ахир, бу Регистон майдони-ку! Наҳотки, Самарқандга келиб қолган бўлсам?

Аммо бироз юргач, унинг Самарқандда эмаслиги маълум бўлди. Нега дейсизми? Ахир, бундай улкан аквариумни бу шаҳарда у ҳали кўрмаган. Бу Марказий Осиёдаги энг катта аквариум ҳисобланади. Чўқурлиги 3,8 метр бўлган аквариум 20 метр узунликдаги туннельда жойлашган. Унда 100 дан ортиқ балиқ, илон, медуза, ақула ва ҳашаротларни томоша қилиш мумкин. Асосийси, уни томоша қилиш учун қайта-қайта ташриф буюриш мумкин. Чунки экспозициядаги жониворлар тури доимий равишда янгиланиб борилади. Ушбу океариумнинг умумий ҳажми 4300 квадрат метр бўлиб, 1 300 кубометр сув сигиши мўлжалланган.

Сув ости дунёсининг сирлари ҳар доим одамларни ўзига жалб қилганидек, қизалоқни ҳам бефарқ қолдирмади. У сув ости музейини томоша қилгач, яна саёҳатини давом эттирди. Навбатдаги манзили – Тошкент шаҳридаги энг қулай ва замонавий амфитеатр бўлди. Римдаги машҳур Колизей театри шаклида яратилган катта амфитеатр 650 кишига мўлжалланган.



Қонунчиликни билинг

Шаҳарсозлик кодексининг 23-моддаси нима ҳақида?

23-модда. Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизасини ўтказиш

Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси махсус ваколатли давлат органининг ихтисослаштирилган таркибий бўлинмалари, бунга ваколатли бўлган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ихтисослаштирилган таркибий бўлинмалари, эксперт комиссиялари ва эксперт гуруҳлари, шунингдек аккредитация қилинган юридик шахслар (бундан бундан матнда эксперт ташкилотлари деб юритилади) томонидан ўтказилади.

Алоҳида тартибга солинмаган шаҳарсозлик фаолияти объектларининг шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси махсус ваколатли давлат органининг ихтисослаштирилган таркибий бўлинмалари томонидан ўтказилади.

Шаҳарсозлик ҳужжатлари шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига, шу жумладан шаҳарсозлик, ёнгина қарши ҳамда экологик нормалар ва қоидаларга, шунингдек санитария қоидалари ва нормаларига, гигиена нормативларига мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказилиши лозим.

Шаҳарсозлик фаолияти объектларини қуриш учун шаҳарсозлик ҳужжатлари зилзилага бардошлилик ва ёнгина хавфсизлиги юзасидан мажбурий экспертизадан ўтказилиши лозим.

Тўғридан-тўғри инвестициялар, шу жумладан чет эл инвестициялари ҳисобидан амалга ошириладиган объектлар бўйича шаҳарсозлик ҳужжатларининг смета қисмини экспертизадан ўтказиш талаб этилмайди.

Қуйидаги объектларнинг шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси мажбурий эмас:

- мавсумий ишлар учун вақтинчалик ва маиший бинолар;
- уч юз куб метрдан ортиқ бўлмаган алоҳида қуриладиган кичик ҳажмдаги объектлар;
- икки қаватдан юқори бўлмаган (цоколни ҳисобга олманган ҳолда), баландлиги ер юзасидан 12 метрдан ва (ёки) умумий майдони 500 квадрат метрдан ортиқ бўлмаган яқка тартибдаги уй-жойлар;
- 1 хавф-хатар тоифасига кирадиган объектлар;
- биноларни, иншоотларни ва бошқа объектлар жорий таъмирланганда.

Лойиҳа ечимларига ўзгартиришлар киритилган тақдирда, шу жумладан қуриладиган ёки мавжуд объектларнинг конструкцияси ўзгарганда (қаватлар сони ўзгарганда, ёнма-ён қурилганда, устига қават қурилганда) шаҳарсозлик ҳужжатлари киритилаётган ўзгартиришлар қисмида қайта экспертизадан ўтказилади.

Илгари экспертизанинг ижобий хулосалари берилган яқка тартибдаги ва намунавий лойиҳалар такоран қўлланилганда экспертиза ушбу лойиҳаларни аниқ бир жойга ва шартларга боғлаш қисмида амалга оширилади.

Буюртмачи зиммасига шаҳарсозлик ҳужжатларининг тўлиқ тўпламини экспертизадан ўтказиш учун тақдим этиш ва уларнинг ишончлилигини таъминлаш мажбурияти юкланади.

Шаҳарсозлик ҳужжатларининг экспертизаси буюртмачилар ва эксперт ташкилотлари томонидан тузиладиган шартномалар асосида амалга оширилади, бунда харажатлар кўриб чиқилаётган лойиҳани ишлаб чиқиш қийматига киритилади.

Экспертизанинг ижобий хулосалари (бундан давлат сирлари ёки қонун билан муҳофаза қилинадиган бошқа сирларни ўз ичига олган шаҳарсозлик ҳужжатларига доир хулосалар мустасно) улар экспертиза хулосаларининг ягона реестрига киритилган тақдирдагина ҳақиқий деб тан олинади.

Экспертизанинг ижобий хулосалари шаҳарсозлик ҳужжатларини келишиб олиш, тасдиқлаш ва келгусида амалга ошириш учун асос бўлади. Шаҳарсозлик ҳужжатларининг экспертизадан ўтказиш тартиби ва муддатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.



Қурилиш бош бошқармаси – ФЕСТИВАЛЬ ҒОЛИБИ

Нурбек АБДУЛЛАЕВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Наманганда қарийб ўн кун давом этган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг махсус фармойиши асосида ўтказилган, чин маънода бағишлаган 60-Халқаро Гул фестивали якунига етди. Гул сайли иштирокчилари орасида нафақат Ўзбекистоннинг турли вилоятларидан, балки ўттизга яқин мамлакатдан келган меҳмонлар ҳам иштирок этиб, турфа гуллар кўргазмалари, бошқа маданий тадбирларни мириқиб томоша қилишди. Уста гулкорлар, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг ҳаваскор боғбонлари байрамга 100 дан ортиқ композицияли кўринишлар барпо қилишгани диққатга сазовордир.

Боғ марказидаги гулзорлардан бири вилоят Қурилиш бош бошқармаси учун ажратилганди. Чироили ва нафис композициялар айнан бунёдкорлар қўли билан яратилгани узоқдан кўзга ташланади. Чунки коржомдаги икки қурувчи кираверишда ҳаммани қўтлаб, гуллардан яралган "гилам"ни томоша қилишга чорларди. Бу ерда тўққиз ва ўн олти қаватли бинолар бунёд этилмоқда. Қудратли минорали кран зарур ашё ва материални юқорига олиб чиқишга тайёр. Баҳайбат ағдарма машиналар ҳам бинокорларга камарбаста.

– Гуллар ёрдамида бундай манзарани бежиз яратганимиз йўқ, – деди бош бошқарма касаба уюшма кўмитаси раиси Неъматжон Жўрабоев. – Ҳамкасбаримиз худди заҳматкаш гулчилар бизни нафосатга ошно қилганликлари каби юртни гўзал ва кўркем, салобатли бинолар билан безамоқда. Яратилган манзарадан шундай маънони англаш мумкин.

Бунёдкорлар томонидан яратилган кўргазма фестиваль ташкилий



қўмитаси томонидан корхона ва ташкилотлар тақдим этган манзаралар ичида энг яхши деб топилди. 60-Халқаро гуллар фестивалининг ёпилиш маросимида ғолибларга махсус совринлар топширилди. Хусусан, вилоят Қурилиш бош бошқармаси жамоасига олий ўринлардан бирини эгаллагани учун "Нексия-3" автомобиلى тақдим этилди.

– Бинокорларни бежиз бунёдкорлар деб аташмайди, – дейди бош бошқарма бошлиги Дилшодбек Ниязов. – Буни жамоамиз вакиллари яна бир бор тасдиқлашди. Композиция тархнини архитекторларимиз чизиб берганди. Дастлаб у анча мураккаб кўринган эди. Лекин гулчилар билан ҳамкорликда ишлаб, қоғоздаги нақш ва кўринишларни амалда ифодалашга муваффақ бўлдик. Жамоа меҳнати юксак даражада қадрланганидан барчамиз хурсандимиз.

Фестиваль якунига шунингдек, Поп тумани ҳокимлиги шаҳар, туман ҳокимликлари ўртасида, Миллий

гвардия вилоят бошқармаси "Автопарадда энг яхши гулга безатилган автомашинани" сифатида, профессионал гулчи Обидхон Қодиров – "Энг яхши дизайнер гулчи" номинациялари бўйича ғолиб сифатида эътироф этилиб, "Нексия-3" автомашиналари билан мукофотланди. Жўрагон Мўминов "Энг яхши қадимий гулчи сулола", Бекзод Тоҳиров "Энг яхши ёш гулчи", олий ўқув юртлари – НамДУ, НамМҚИ, НамМТИ "Энг яхши гул композицияси" учун, Хусанбой Нуриддинов "Энг яхши гулчилик мактаби", Фарҳод Жўраев "Энг кўп гул етиштирган гулчи" номинациялари бўйича тақдирланиб, уларга 20 ва 15 миллион сўмдан пул мукофотлари тақдим этилди.

Фестиваль якунига бағишланган тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси маданият вазири, Ўзбекистон халқ артисти Озодбек Назарбеков, Наманган вилояти ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Шавкат Абдуразоқов иштирок этишди.



Янги корхона иш бошлади

Ҳамза ШУКУРОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Жомбой туманида "Bradius" МЧЖга қарашли лағмон маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхонаси фаолият кўрсата бошлади.

Япония ва Хитой давлатларидан олиб келинган замонавий, илгор технологияларга асосланган мажмуани ташкил этиш учун муассислар 5 миллиард сўм ва 1,3 миллион АҚШ доллари миқдорида хорижий кредит сармоясини сарфлашди.

Маҳаллилаштириш дастурига мувофиқ иш бошлаган корхона режага кўра, бир кеча-кундузда 100 мингта маҳсулот тайёрлаб бериш қувватига эга.

– Янги заводнинг лойиҳалаш ишларини архитекторлик бюроси ходимлари уддалаганини таъкидлаш керак, – дейди корхона директори Арслон Тошпўлатов. – Чунки у анчагина нозик ва ўзига хос мукамалликка эга эди. Бундан ташқари, хорижий мутахассисларнинг самарали меҳнати таҳсинга сазовор. Аҳоли дастурхонини тўқин қилиш мақсадида очилган жамоада айни пайтда 30 нафар ёш йигит-қизлар иш билан таъминлангани ҳам эътиборга сазовор.

Темир йўл станцияси ва вокзал қуриляпти



Марат УЛПЕТОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва топшириқларига асосан Амударё туманида, дарё устига автомобиль ва темир йўл қўшма кўприги ҳамда 79 километр узунликдаги темир йўл қурилиши амалга оширилмоқда.

Янги лойиҳа асосида Амударё тумани ҳудудидаги 4р160 "Урганч

– Гурлан – Манғит – Туркманистон Республикаси чегараси" давлат аҳамиятидаги автомобиль йўли бўйида, Куюк кўпри овули ҳудудида темир йўл станцияси ва вокзал қурилиш ишларининг бошланиши муносабати билан тадбир ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати аъзоси Ботир Матмуродов, "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ раиси ўринбосари Зафар Махаматов, Амударё туман ҳокими Султонбой Йўлдошев, нурунийлар ва масъул ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди. Шундан сўнг қурилиш ишлари бошлаб юборилди.

Қашқадарёдан дараклар

Маҳаллаларга сув тармоғи тортилмоқда

Шухрат НОРМУРОДОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.



Давлат дастури доирасида Қарши шаҳрида ичимлик сув таъминотини яхшилаш мақсадида 24 та маҳаллага 317,2 километр ичимлик сув тармоғи ўтказилиши белгиланиб, бунинг учун 119,8 млрд сўм маблағ ажратилди.

Яқинда шаҳарнинг Қиличбек кўрғонча, Самарқанд, Равоқ, Арал-овул ва Қавали маҳаллаларида ичимлик сув тармоқларини қуриш лойиҳалари тақдироти ўтказилди ва дастлабки ишлар бошлаб юборилди.

Дехқонободда янги кўприк иншооти

Дехқонобод туманининг "Бошқорбоғ", "Чилгаз" ва "Сарчашма" МФЙ ҳудудларига элтувчи йўллар ва кўприкларда таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.



Яқиндан туман аҳолиси учун яна бир яхши янгилик – Дуоб қишлоғи ҳудудида ҳам режалаштирилган кўприкнинг дастлабки қурилиш-монтаж ишлари бошланди. "Қашқадарё кўприклардан фойдаланиш унитар корхонаси" томонидан амалга оширилаётган мазкур қурилиш учун 3 млрд 178 миллион 300 минг сўм ажратилган. Лойиҳага асосан, ушбу кўприкнинг узунлиги 18 метр, эни эса 7 метрни ташкил этади. Унда бир томонлама пиедалар йўлакчаси ҳам ташкил этилади-ган бўлди. Бу эса қишлоқ аҳолиси учун янада қулайлик яратади.

Муस्ताқиллик объектлари

Тўйга тўёна ҳозирлиги



Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Данғара туманининг "Таптиқсарой", "Чинобод-1", "Чинобод-2" ва "Қизилмушт" МФЙлари ҳудудидаги 20,3 гектар майдонда кичик саноат зоналари ташкил этилганга ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин ўтган вақтда бу ерда туман тадбиркорлари томонидан катта бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди.

Хусусан, "Таптиқсарой" кичик саноат зонасига 11,5 миллиард сўмлик 9 та лойиҳалар жойлаштирилган бўлиб, у ишга тушса, 130 та янги иш ўрни яратилади.

9 гектар ерда ташкил этилган "Чинобод-1" кичик саноат зонаси 37 та лотга ажратилган бўлиб, 186,0 миллиард сўмлик 18 та лойиҳа жойлаштирилди. Бугунги кунда уларнинг 15 тасида қурилиш ишлари яримлаб қолди. Бундан ташқари, "Чинобод-2" кичик саноат зонасида ҳам 27,8 миллиард сўмлик 24 та лойиҳаларнинг 13 тасида қурилиш ишлари 40 фоизга бажарилди.

Кичик саноат зонасини табиий ҳага билан таъминлаш мақсадида 6,2 километрни тармоқ тортиш амалга оширилмоқда. Туман электр тармоқлари корхонаси томонидан 1 та трансформатор ўрнатилган.

– Ёшлар билан ишлаш самарадорлигини янада ошириш, эркин иқтисодий зоналар ташкил қилиш мақсадида "Ёшлар" кичик саноат зонаси ташкил этилди, – деди Данғара тумани қурилиш бўлими бошлиги Маъруфжон Юнусов. – Ушбу ер майдонлари 28 та лотга қиймати 30,8 миллиард сўмлик 16 та лойиҳалар жойлаштирилган.



Улар ишга тушиши билан 400 та янги иш ўринлари яратилади.

Туманда хусусий пудрат ташкилотлари томонидан кўп қаватли уйлар қурилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, улар томонидан ўз маблағлари ҳисобидан 7 та кўп қаватли уй-жойларни фойдаланишга топшириш тармоқ жадвали ишлаб чиқилган. Ушбу жадвалга асосан июнь ойда "Сувтаъмирқурилиш-Кўқон" МЧЖ томонидан Қизилмушт қишлоғида 24 хонадонли 1 та, июль ойда "Муқ-Бил-Аз-Ҳол" агрофирмаси томонидан 2 та, октябрда "Оқжар сифат сервис" МЧЖ томонидан Катта турк қишлоғида 1 та ва декабрда "Фар-Камолиддин" МЧЖ томонидан Қизилмушт қишлоғида 2 та кўп қаватли уй-жойлар қуриб, фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Айни кунларда Катта турк қишлоғида "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси томонидан



дан янгиланган намунавий лойиҳага кўра, 1 та кўп қаватли уй-жой қурилиши бошланган. Шунингдек, "Сувтаъмирқурилиш-Кўқон" МЧЖ томонидан Қизилмушт қишлоғида ҳам 3 та кўп қаватли уйлар қурилиши давом этмоқда. Ҳозиргача мазкур уйларда пардозлаш ишлари бажарилиб, канализация тармоқлари ўрнатилган.

Бундан ташқари, "Фар-Камолиддин" ва "Оқжар сифат сервис" МЧЖ ҳамда "Муқ-Бил-Аз-Ҳол" агрофирмаси томонидан биноларда қурилиш билан боғлиқ барча ишлар маромида ва режага асосан, сифатли амалга оширилмоқда.

Яқинда эса туман ҳокимининг қарорига асосан Қизилмушт қишлоғида "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси 2 та кўп қаватли уй қуриши учун 5 000 квадрат метр ер майдони ажратиб берилди.

Чинободдаги улкан ўзгаришлар

Меҳрибон ИСМОИЛОВА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Хива туманидаги Чинобод қишлоғига борсангиз ажойиб манзарадан ҳайратингиз ошади. Қишлоқнинг Пишканик маҳалласида кўкка бўй чўзган баланд минорага кўзингиз тушади.

Эллик, юз қадам босингиз билан қадимий Хива шаҳридаги Ичонқалъани ўраб турган паҳса деворлар, хонлар замонини эслатувчи салобатли дарвозага кўзингиз тушади. Ичкарига кираркансиз, хон саройига хос бўлган ўзгача ҳаёт тарзини акс эттирувчи ажиб муҳитга тушиб қолгандек бўласиз. Тумандаги кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари Дилмурод Оллаберганов Ичонқалъа ва Дишонқалъанинг рамзий шаклини барпо этишдек сермашаққат ишни ўз зиммасига олди. Бундан мақсад ҳудудда экотуризмни ривожлантиришга астойдил киришиб, улкан қурилиш лойиҳасини амалга оширди.

Тан олиш кераки, Хивадаги тарихий обидаларнинг кўринишини

картон қоғоздан ишланган макетлари ёки саҳна беағи тимсолида яратилган шакллари кўрганимиз. Аммо қадимий обидаларни худди ота-боболаримиз яратиб кетганидек асл ҳолида тиклашга интилишининг ўзи янгилик. Бамисоли игна билан кўдўқ қазиш билан баробар. Аммо Дилмурод ғайрат-шижоатли, янгиликка ўч, юрагида туғилган юрти, Ватанига меҳри жўш уриб турганидан дадиллик билан ишга киришди. Лойиҳани тайёрлаш, тасдиқлаштириш учун кўп елиб-югурди. "Излаганга толе ёр" деганларидек, мана ҳамма ниёз қилган ишлари жой-жойига тушиб борапти. Катта ниятлар Дилмуродга қанот бўлмақда. Хиванинг туризм салоҳиятини янада оширадиган бу жойда халқаро миқёсдаги анжуманлар ўтказилиши кўзда тутилган.

Мана Дишонқалъа ордта қолди. Ичонқалъанинг менгайдиган тош дарвозадан ичкарига киримиз. Катта-кичик, бир-бирига туташ кўлларда зилот сув жилонанади. Балиқларнинг тинимсиз ҳаракатини кўриб роҳатланасиз. Табиат бағрида киши қалбига сокинлик бўлиши бежиз эмаслигини англайсиз. Кўл бўйида

қад ростлаган дам олиш масканлари. Яна қатор уй-меҳмонхоналар... Минорани қурган бош устани ҳам шу ерда учратдик. У ўзини Рашид Машарипов деб таништирди. Минора кўриш борасида анча тажрибага эга, Тошкентдаги Қазрати Имом (Хастимом) мажмуасидаги минораларни қуришда шогирдлари билан бирга иштирок этган экан.

– Бу минора мана шу мажмуанинг рамзи – бош иншооти бўлиб қолади, – деди Рашид уста. – Баланглиги 36 метр. Айланасининг бошланғич эни 10 метр. Қумда, барханлар бағрида иморат бунёд этиш учун аввало унинг пойдевори мустаҳкам бўлиши, одатдаги текис ерда қуриладиган иншоотлардан икки баравар пастанда бошланиши керак. Ичонқалъадаги миноралар қурилишини пухта ўрганиб, шунга яраша иш тутдик. Минора юқорига томон аста-секин ингичкалашиб боради.

Ҳа, Хива туманидаги "Қорақўл" фермер хўжалиги эндиликда кўп тармоқли хўжаликка айланиб борапти. Бундан уч йил муқаддам фақат балиқчиликка иختисослашган бўлса, эндиликда пахтачилик, боғдорчилик билан ҳам шугулланишяпти. Яқин

келажакда сервис хизмати кўрсатади ҳамда экотуризмни янада кенг ривожлантириш йўлга қўйилади.

– Хоразм воҳаси бетакорр табиати, ноёб ўсимлик ва ҳайвонот дунёси билан ҳам азалдан оламга машхур. Бу эса сайёҳликнинг муҳим тармоғи – экотуризмни жадал ривожлантириш имконини беради, – дейди Ўзбекистон Республикасида хизмат курсатган қурувчи Рустам Султонов. – Жонқуяр фермер Дилмурод Оллаберганов мазкур йўналишда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйганлиги қувончли воқеа. Чиндан ҳам бир пайтлари ташландиқ ҳолдаги қаровисиз ётган "Қорақўл" худуди бугунги кунга келиб ажойиб манзара кашф этапти.

– Худудимиз 120 гектарни ташкил қилади, – деди тадбиркор фермер. – Кўллар сатҳини кенгайтирдик. Яқинда "Қорақўл"га туташ "Ок қўл" ҳам тасарруфимизга ўтди. Ундан ташқари, тевакар-атрофдаги кичик кўллар атрофларини ҳам таъмирлаб, тоза экологик муҳит ҳолатига келтирдик. Сайёҳлик мажмуамизини кенг юксалтириб, меҳмонларга фақат ёзда эмас, йилнинг тўрт фаслида ҳам хизмат кўрсатадиган қиламиз.

Янги лойиҳалар

1 680 ўринли “Замонавий мактаб”

Райҳона ХУЖАЕВА,
“Ozbekiston bunyodkori”
муҳбири.

Лойиҳачи: “Grand Super Project” МЧЖ.
Лойиҳа бош меъмори: А. Джўраев.
Қурилиш объекти бўлинмалари:
1 680 ўринли замонавий мактаб биноси
7 блокдан иборат.



А блок 5 қаватли, тўртбурчак шаклда, ўлчами 9х18 метр, қаватнинг баландлиги 3,3 метр. Ушбу блокда вестибюль, холл, синфхоналари жойлашган.
Б блок 5 қаватли, тўртбурчак шаклда, ўлчами 15,3х38,4 метр, қаватнинг баландлиги 3,3 метр. Ушбу блокда кутубхона китоб сақлаш хонаси билан, “STEAM лаборатория”, синфхоналари, ўқитувчилар хонаси, директор хонаси ва қабулхона, ўқувчи ва ўқитувчилар ҳожатхонаси мавжуд.



В блок 5 қаватли, тўртбурчак шаклда, ўлчами 15,3х38,4 метр, қаватнинг баландлиги 3,3 метр. Бу блокда ўғил ва қиз болалар меҳнати устaxonаси, “STEAM лаборатория”, синфхоналар, директор ўринбосари хонаси, шифокор хонаси, коворкинг хонаси, ўқувчи ва ўқитувчилар ҳожатхонаси мавжуд.
Г блок 5 қаватли, тўртбурчак шаклда, ўлчами 6х18 метр, қаватнинг баландлиги 3,3 метр. Бу блокда вестибюль, ўтиш галереяси, логoped ва психолог хонаси мавжуд.
Д блок 2 қаватли, тўртбурчак шаклда, ўлчами 12х24 метр, 1-қаватнинг баландлиги 3,6 метр, 2-қаватнинг баландлиги 4,1 метр. Блокда ошхона овқатланиш зали билан, иккинчи қаватда фаоллар зали ва спортзалнинг ёрдამчи хоналари мавжуд.

Е блок ҳам 2 қаватли, тўртбурчак шаклда, ўлчами 6х12 метр, қаватнинг баландлиги 3,6 метр. Ушбу блокда спортзал ва фаоллар залининг ёрдამчи хоналари жойлашган.
Охириги блок тўртбурчак шаклда, ўлчами 18х30 метр, қаватнинг баландлиги 7,4 метрни ташкил қилади.
Мактабларни кўп қаватли қилиб лойиҳалаганда кўшимча эвакуация чиқиш йўллари ва йўлақларда люминофор белгиларни қўлаш назарда тутилади.
Умумий майдони – 8 154,5 м².
Фойдали майдони – 4 474,6 м².
Қурилиш майдони – 2 278,5 м².
Қурилиш ҳажми – 39 346,0 м³.
Ташқи пардоз: цоколь, зина ва тўсиқлар цемент-қумлик сувоқ, “Кўксарой” гранит-

лари билан қопланади. Деворлар 50 мм қалинликдаги “ППЖ-175” минерал толали иссиқ сақловчи қопламали сувоқда пардозланади. Фасад бўёқлар билан бўйлаб, подоконниклар рухланган туника билан қопланади. Тягалар металл конструкциялар каркасига алюмин копозит панели билан қопланиши мўлжалланган.
Ички пардоз: деворлар яхшилланган сувоқ, сувли эмульсияли бўёқлар, керамик плиталар, эмаль бўёқлар билан пардозланади. Шифтлар гипсокартон плиталар билан қопланади, яхшилланган сувоқ ва сувли эмульсияли бўёқларда бўялади.
Қурилиш конструкциялари: бино пой-деворлари монолит темир-бетон В20, устун (колонна)лари монолит темир-бетон В25, ташқи деворлар 200 мм қалинликдаги газобетон блоклардан иборат. Металл узаклар билан кучайтирилган. Оратўсиқ (перегородка)лар 100 мм, ҳар иккала томондан 2 қаватли гипсокартондан, ҳожатхоналарда 120 мм фибрдан. Узак ва перемычкалари металл уголок 50х50х5 мм. Том ёпмалари (ўқув биносиди) ийғма темир-бетон, думалоқ ғовакли плиталар Н220 мм, том қисми (ўқув биносиди) ёғоч каркаси устидан прифолланган полимер бўёқлар билан қопланган пўлат листлардан иборат. Том ёпмаси (спортзал ва фаоллар залида) металл фермалар, том қисми (спортзал ва фаоллар залида) 200 мм қалинликдаги икки қаватли рухланган “оцинкованный” темир листдан, ёнмайдиган базальт типидидаги минерал толали сендвич панелидан қурилиши режа-лаштирилган.

Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш – УСТУВОР ВАЗИФА

Хуршид СОДИҚОВ,
Жиноят ишлари бўйича Олмазор тумани суди судьяси.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 122-моддасида судьялар мустақил эканлиги, фақат қонунга бўйсуниллари, судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашивга йўл қўйилмаслиги ва бундай аралашив қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши каби муҳим нормалар мустаҳкамлаб қўйилган.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз ҳаётида, фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ таъминлашга эришишда одил судловнинг аҳамияти беқиёсдир. Сўнгги йилларда амалга

оширилаётган ислохотлар давлатимизни янада барқарор ва жадл суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақ янгида ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўйга чиқаришни тақозо

этомқда. Шу сабабли ҳам суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини оширишга қаратилган мутлақ янги босқичнинг бошланишини ҳаётий заруратга айлантдири.

Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳара-катлар стратегияси тўғрисида” Фармони ҳамда ушбу Фармон билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини” “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” да амалга оширишга оид Давлат дастури” да судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва тақомиллаштиришга оид қатор ҳуқуқ-тадбирлар назарда тутилди.

Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашга қаратилган навбатдаги муҳим

қадамлардан бири – судьялар ҳамжамиятининг органи сифатида Судьялар олий кенгашини ташкил қилинганлигидир. Мазкур Кенгаш конституциявий мақорам эга бўлди. Конституциянинг 111-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши судьялар ҳамжамиятининг органи бўлиб, у Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятининг мустақиллиги конституциявий принциплари ривожланиши таъминлашга кўмаклашиши ўз ифодасини топди.

Мухтасар қилиб айтганда, жамиятда суд органларининг нуфузини ошириш, судьяларнинг чинакам мустақиллигини ва фақат қонунларга асосланган иш юритишини таъминлаш мамлакатимиз Конституцияси ва шу асосда қабул қилинаётган қонунлар муҳим аҳамият касб этади. Зеро, суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини қуришдаги муҳим шартлардан биридир.

31 май – Халқаро кашандаликка қарши кураш куни

ЧЕКИШ ИЛЛАТ, унинг оқибатларини биласизми?

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
“Ozbekiston bunyodkori” муҳбири.


Айтишларича, бир грамм никотин туяни ўлдирар экан. Аммо бебаҳо неъмат эгаси – инсонлар ҳали-ҳануз бундан хулоса чиқармапти. Акс ҳолда, ҳар йили дунё миқёсида фақат чекиш туфайли 10 миллиондан зиёд одам нобуд бўлмасди. Афсуски, ана шу кўрсаткичнинг учдан бир фоизи ҳали вояга етмаган ёшларни ташкил қилиши яна ҳам ачинарли ҳол.

ақлий фаолиятига жиддий путур етказди. Кашандаларнинг аста-секин хотираси сусайиб, асаб тизими ишдан чиқади, артериал томирлар, жумладан, юрак томирларининг торайиб қолиши айнан шу иллатнинг жабридандир. Энг ёмони, оғир томир хасталиги тўқсон фоиз ҳолларда кашандаларда учрабди.

Ҳал, тамаки ва унинг зарарли оқибатлари тўғрисида бораркан, хотин-қизлар орасида ил-диз отган яна бир жиддий иллатга тўхталишга тўғри келади. Зотан, тиббиёт ривожланган ҳозирги замонда унинг имкониятларидан самарали фойдаланиб, саломатлигини яхшилаш ўрнига, “чекишнинг инсон танасига фойдаси бор, у ҳаддан ташқари семиршига йўл қўймайди” дея бу иллатга берилиб, сўнг, “касалини даво-лашдан кўра, унинг олдини олиш афзал” лиги-ни англаб етишади, афсуски бу, кўп ҳолларда кеч бўлади.

Аёлларнинг сурункали чекиши ва спиртли ичимлик истеъмол қилиши айниқса, ёмон оқибатларга олиб келишини мана бу мисол орқали англаш мумкин. Пойтахтимиздаги туманлар-да бирида яшаётган етмиш ёшлардаги онахон ногиронлар арачасида ҳар куни чақалоқсифат фарзандини олиб юради. Бир гал у киши билан суҳбатлашишга тўғри келди, айтишича, турмуш ташвишларига бардош беролмаганидан ичкилик ва чекишни касб қилган (ҳозир ичмас, аммо чекишни ташлолмаётган экан). Оила кўргач, туғилган ягона фарзанди эса ҳо-зир ўттиз уч ёшга кирибди, лекин ривожлан-масдан ҳануз чақалоқ. Бу ҳол нафақат ёмон иллатни ўзига ҳамроҳ қилган хотин-қизлар-га, балки барчамизга ойнадаги аксдир. Бунга ўхшаш ҳолатлар, бола тарбиясини ўз ҳолига ташлаб қўйиш ва риёкорликлар, оилага хиё-нат қилиш сингарилар дунёда беҳисоб бўлиши мумкин. Ўйлаб қаралса, барчасининг негизи чекиш ва ичкиликка бориб тақалади.

Ана шунинг учун ҳам бу долзарб масала давлат миқёсида, халқаро даражага кўтари-либ, унга қарши курашнинг чора-тадбирлари қўриляпти. Айтайлик, юртимизда баркамол авлоднинг ҳар томонлама бекаму кўст улга-йиши учун етарлиқ шароитлар яратилган ва бу борадаги ҳар қандай тўсиқларга қар-



“Andijon mulk markazi” МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик онлайн аукцион савдосига таклиф этади!

Очик онлайн аукцион савдосига қуйидаги бошланғич баҳоларда Андижон вилояти Ички ишлар божқармаси-нинг 2021 йил 24 майдаги 17/1-65-сон-ли буюртномасига асосан Андижон вилояти Ички ишлар божқармасининг балансида бўлган Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Навоий шохқўчаси, 26-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт қўйилмоқда:
1. 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 60 194 VSF бўлган “BA3-21061” русумидаги автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 8 533 700 сўм.
2. 2005 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 60 068 VSF бўлган “Ми-дибус” М.50 русумидаги автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 50 379 000 сўм.
3. 1996 йилда ишлаб чиқарилган,

“Damas” русумидаги давлат рақами 60 087 VSF бўлган автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 10 117 295 сўм.
4. 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 60 551 VSF бўлган “Cielo” русумидаги автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 10 631 302 сўм.
5. 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 60 270 VSF бўлган “Рей-сер” русумидаги автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 10 169 117 сўм.
6. 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 60 361 VSF бўлган “BA3-2105” русумидаги автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 8 623 286 сўм.
7. 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 60 275 VSF бўлган “Isuzu-SAZ NPR66 LL” русумидаги автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 63 920 000 сўм.

8. 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 60 348 VSF бўлган “МУРАТ 131 ДОГАН А” русумидаги автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 7 468 327 сўм.
9. 2002 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 60 439 VSF бўлган “УАЗ-31514” русумидаги автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 21 681 771 сўм.
10. 2005 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 60 067 VSF бўлган “УАЗ-3153-095” русумидаги автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 30 972 469 сўм.
11. 2005 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 60 066 VSF бўлган “УАЗ-3153-095” русумидаги автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 33 354 966 сўм.
12. 2002 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 60 406 VSF бўл-

ган “Дамас” русумидаги автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 17 252 642 сўм.
13. 2000 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 60 032 VSF бўлган “Да-мас” русумидаги автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 13 621 330 сўм.
14. 2005 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 60 140 VSF бўлган “BA3-21099” русумидаги автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 10 464 541 сўм.
15. 2002 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 60 039 VSF бўлган “BA3-21070” русумидаги автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 12 244 284 сўм.
16. 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 60 419 VSF бўлган “Опел” русумидаги автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 8 533 700 сўм.

Аукцион савдо 2021 йил 5 июль куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказила-ди. Аризалар расмий иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади (шанба ва яшанба дам олиш кунла-ри). **Аукцион савдоларига аризаларни қабул қилишни охириги мuddати:** 2021 йил 2 июль, соат 18.00 гача.
Юқоридидаги автотранспорт воси-талари 2021 йил 5 июлдаги савдода сотилмаган тақдирда, ушбу автотранс-порт воситалари электрон онлайн ти-зимда белгиланган мuddатларда со-тилувчига қадар бўлиб ўтади.
Аукцион савдода қатнашиш истагини билдирган ҳар бир иштирокчи кўрсати-лган ахборот-маслаҳат хизмати учун энг кам иш ҳақининг 2 баробари, яъни 490 000 сўм миқдорда тўловларни амалга оширади. Шу билан бирга сотиб олинган

мулкнинг 10 фоиз миқдорига комиссиян тўловини аукционда қолиб қолган хари-дор томонидан сотилган мулк қиймати-дан ташқари амалга оширади.
Аукцион савдода қатнашиш учун та-лабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закатат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закатат пули-ни “Andijon mulk markazi” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 3049 4115 6002 “Савдогарбанк” АТБ МФО 00081 СТИР 302 126 734.
Аукцион савдода қатнашиш қуйидаги ман-зилда бўлиб ўтади: Андижон шаҳри, Навоий шохқўчаси, 71-уй, 1-қават, “Andijon mulk markazi” МЧЖ.
Телефон: 74-223-08-52, 93-447-08-13. 00156 рақамли гувоҳнома.

